**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАР КЕНГАШИНИНГ266–СОНЛИ МАЖЛИСИ КАРОРЛАРИ**

**28 февраль 2018 йил**
**Тошкент шаҳри**
**Қатнашдилар: Раис проф. Акилов Х.А.**
**Котиба – доц. Гулямова М.К.**
**Кенгаш аъзолари – 63 кишидан 64 киши**

**Кун тартиби**

1. **Президентнинг 2018йил 2 февралдаги №5325 "Аёлларни қўллаб қувватлаш фаолиятини тубдан яхшилаш ва Оила институтини мустахкамлаш" қарори. ТВМОИ хотин қизлар қўмитаси раиси. Проф.Г.Т.Искандарова.**
2. **Ички касалликлар кафедрасининг хисоботи ва ишчи гурухи раисининг ахбороти**
3. **Терапия факультетининг ҳисоботи. Декан проф. Хамрабаева Ф.И.**
4. **Турли масалалар.**

Олимлар кенгаши аъзолари кун тартибидаги барча масалаларни мухокама килиб куйидаги карорларни кабул килдилар:

1. **Карор: Президентнинг 2018йил 2 февралдаги №5325 "Аёлларни қўллаб қувватлаш фаолиятини тубдан яхшилаш ва Оила институтини мустахкамлаш" қарори эътибор учун кабул килинсин.**

2. **Қарор**: Ички касалликлар кафедрасининг хисоботи қониқарли деб топилсин.

Кафедранинг маънавият ва маърифат ишлари ва оммавий аҳборот воситаларида чиқишларни бўйича юритилаётган хужжатлар тартибга солинсин.

2. Кафедрага курсантлар келиши олдиндан режалаштирилсин.
3. Кафедралараро интеграцион цикллар ташкиллаштирилсин.
4. Рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқиш ва кафедра ходимларининг манба индексини ошириш ишлари жонлантирилсин.
5. Узоқ чет эл журналларида мақола чоп этиш кўпайтирилсин.

Масъул: Кафеда мудири

Назорат:Факультет декани, ижро: 31.12.2018 йилга қадар

***3. Терапия факультети хисоботи бўйича қарорлар:***

1.Факультет деканининг хисоботи қабул қилинсин.

2. Хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик ишлари жадаллаштирилсин;

3..Ўқув дастурлари инновациялар билан бойитилсин;

4. Илғор хорижий клиникалар ва олий тиббий таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлик кенгайтириш (Вебинар, маҳорат сабоқлари), ва

профессор-ўқитувчиларни хорижда малакасини ошириш механизмларини ишлаб чиқилсин:

5.Ўқув календар режасига шифокорлар касбий тоифа олиши ёки уни тасдиқлашига асос бўла оладиган циклларни қўйиш ва масофадан туриб ўқитиш циклларини киритиш масаласи кўриб чиқилсин;

5.Кафедраларда докторант еки илмий изланувчиларнинг илмий ишлари жонлантирилсин;

6.Факультетнинг хамма кафедраларида илмий мақола, монография ва дарсликлар намунаси кўпайтирилсин.

Масъул: Кафедра мудирлари

Назорат: Терапия факультети декани

Муддати: Укув йили давомида

**Олимлар кенгаши котибаси, доц.Гулямова М.К.**